

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси
депутати Р.Матқурбановнинг ваколатини муддатидан
илгари тугатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. 6-Чимбой сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати Рашид Жолдасбаевич Матқурбановнинг ваколати берган аризасига биноан муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М.Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 3 февраль,
№ 717.*